



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш
ШАРТНОМАСИ
13 – сон

Пискент шаҳри

2022 йил "21" *декабр*

Кейинги ўринларда "Иш берувчи" деб аталадиган Тошкент давлат Ўрмон хўжалиги ҳаракат қиладиган раҳбари **Позилов М.** Низом асосида ҳаракат қиладиган бир томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда "Сугурталовчи" деб аталадиган «Узагросугурта» АЖ Тошкент вилояти Пискент Сугурта Маркази менеджери **Н.Убайдуллаева** бу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1. Сугурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июлдаги 177 -сон Қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қондаларига мувофиқ сугурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. Сугурта пули ва сугурта мукофоти

2. Сугурта пули ушбу шартнома бўйича 912 802 566 (Тўққиз юз ўн икки миллион саккиз юз икки минг беш юз олтинчи олти) сўм ни,
шу жумладан дафн этиш харажатлари _____

_____ сўмини ташкил қилади.

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

3. Сугурта мукофоти ушбу шартнома бўйича 3 130 000 (Уч миллион бир юз ўттиз минг) сўмини ташкил қилади.

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

4. Сугурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва 1 йил мобайнида амал қилади.

Сугурталовчининг мажбуриятлари сугурта мукофоти сугурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисида кўрсатилган сугурта даврининг охиригига санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.

6. Сугурта мукофоти иш берувчи томонидан сугурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маблағларининг сугурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сугурталовчидан мажбурий сугурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

сугурталовчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайганда сугурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.



Тахририят 1

Иш берувчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича конун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда сугурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сугурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сугурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сугурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий сугурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий сугурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

сугурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича сугурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;

сугурталовчини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилиши;

агар сугурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суниетсьмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортикча тўланган сугурта товони ҳақида сугурталовчига хабар қилиши ва ортикча тўланган маблағларни сугурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Сугурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

сугурта мукофотини аниқлаш учун сугурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Сугурталовчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Сугурталовчи:

мажбурий сугурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи сугурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва сугурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Сугурталовчи зиммасига конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан конун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Яқуний қондалар

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби сугурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва сугурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қондаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:

Сугурталовчи :

**Ўзагросугурта» АЖ Тошкент вилояти
Пискент Сугурта Маркази**

Манзили: Пискент ш. А.Темур191
Тел,факс:54-52191
Микрокредитбанк Тошкент
вилоят филиали
х/р 20216000000101171026
МФО 00455 СТИР: 200794771

Иш берувчи:

Тошкент давлат Ўрмон хўжалиги

Тел: 292-97-62
ШХР 100021860272507042203142001
СТИР: 200663214
ОКОНХ 31100

Пискент туман Фазначилик бўлими

Х/Р 23402000300100001010

ИНН 201122919 МФО 00014

**Ўз.Р Марказий банки Тошкент шаҳар бош
бошқармаси ХККМ**

Менеджер: Н.Убайдуллаева



(имзо)

Рахбар: Позилев М



(имзо)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

№-47

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi

“Uzagrosug`urta” Aksiyadorlik jamiyati Toshkent viloyati Piskent sug`urta markazi “Sug`urtalovchi” va Toshkent davlat o`rmon xo`jaligi “Sug`urta qildiruvchi” o`rtasida Ish beruvchining fuqarolik javobgarligini majburiy sug`urta qilish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma`lumot: Shartnoma loyihasi Toshkent davlat o`rmon xo`jaligi tomonidan 2022 yil 14 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyihani rasmiylashtirishda, O`zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi 364, 366-moddalari, O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2009 yil 24 iyundagi “Ish beruvchining fuqarolik javobgarligini majburiy sug`urta qilish to`g`risidagi O`zbekiston Respublikasi qonunini amalga oshirish chora tadbirlari haqida”gi 177-son qarorining talablariga rioya qilingan, majburiy sug`urta qilish shartnomasini tuzish, o`zgartirish va uning amal qilishini muddatidan oldin to`xtatib qo`yish tartibi, sug`urta summasi, sug`urta mukofoti va majburiy sug`urta qilish shartnomasi bo`yicha sug`urta mukofotini to`lash tartibi, majburiy sug`urta qilish shartnomasi tomonlarining huquq va majburiyatlari, tomonlarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi qayd etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



J.Mavlonov